# 2 000 000 тонна тайёр

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН  № 188 (8428).  3 октябрь, 1984 йил ● ЧОРШАНБА  Баҳоси 3 тийин.


## ПАХТА ТЕРИМИ СУРЪАТИ ВА СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК

Социалистик мусобақа якунларига кўра Тошкент области сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Область пахта тайёрлаш планини 37,96 процент бажарганлиги, ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 32,61 процент ўсишини таъминлаганлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

2 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев областга кўчма Қизил байроқни топширди. У эришилган ютуқларни мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга пахта тайёрлаш суръатларини янада оширишга эришиш область меҳнаткашларининг фахрли бурчидир, деди. Ҳозир энг муҳими — етиштирилган барча ҳосилни энг қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, йиғим-терим ишларининг юксак сифатли бўлишини таъминлаш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш ҳамда беш йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажаришдан иборат.

Ҳозирги пайтда, деб таъкидлади И. Б. Усмонхўжаев, мавсумнинг асосий зарбдор кучи бўлган терим техникасидан юксак самара билан фойдаланишга эришиш муҳимдир. Шу кунларда барча машиналар далада бўлиши, тўла қувват билан икки сменада ишлаши, энг кам даражада бекор туришига эришиш зарур. Тошкент областининг хўжаликлари ҳосилни машинада теришни аниқ ташкил этишнинг яхши тажрибасига эга. Бу йил энг кам меҳнат сарфлаган ҳолда пахтани териб олишнинг юксак суръатларини таъминловчи индустриал технология афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш, бутун конвейер—дала—тайёрлов пунктининг бир маромда ишлашига эришиш керак. Ҳосил сифатини яхшилаш, тола чиқишини ва унинг пишиқлигини ошириш соҳасида қунт билан иш олиб бориш зарур. Ҳар бир пахта заводи тола ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш кунлик ва ойлик топшириқларини бажариши ва ошириб бажаришига, йўл қўйилган қолоқликни тезроқ тугатишига эришиш лозим.

Пахтани машинада теришни ташкил этиш билан бир қаторда уни қўлда териш суръатларини кучайтириш зарур. Бунинг учун барча мавжуд ишчи кучидан самарали фойдаланишга эришиш керак. Ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси, шунингдек уларга ёрдамга келган шаҳарликлар етиштирилган бутун ҳосилни ёғингарчилик кунлари бошлангунга қадар териб олиш учун энг юқори меҳнат унумдорлиги билан ишлашлари керак. Айни вақтда қуритиш — тозалаш цехларини, иккинчи эшелон машиналари — подборшчиклар, кўрак териш ва кўрак чувиш агрегатларини тахт этиб қўйиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур.

Йиғим-терим кампаниясининг муваффақияти партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари даражасига, совет, касаба союз, комсомол органлари, хўжалик раҳбарларининг аниқ ишлашига боғлиқдир. Шу кунларда коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлик ролини ошириш, теримда қатнашаётган барча кишиларга эътиборли ва ғамхўр бўлиш муҳимдир.

Деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлар суръатини ошириш керак. Областда дон учун маккажўхори йиғиштириб олиш кечиктириб юборилди, шолипояларда ишлар суст олиб борилмоқда. Мева ва сабзавот маҳсулотларини тайёрлашни, уларни қишга сақлаш учун ғамлашни кучайтириш, картошка тайёрлашни кўпайтириш учун чоралар кўриш зарур. Бу йилги қишловни муваффақиятли ўтказиш ҳамда ферма маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планларини бажариш энг муҳим вазифадир. Чорвачиликнинг аҳволи учун, план ва давлат интизомига риоя этиш учун хўжаликларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш, ем-хашак запасини кўпайтиришга оид ғоят қатъий чоралар кўриш лозим. 1985 йил ҳосили учун кузги — қишки агротехника тадбирларини ўтказишга доир ишларни ҳам кучайтириш, кузги дон экинлари экишни ўз вақтида тамомлаш, ҳосилдан бўшаган ерларни ҳайдашни жадаллаштириш, шудгорга солиш учун етарли миқдорда ўғит тўплаш, ер ҳайдов тракторларини тахт қилиб қўйиш керак.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов ва сўзга чиққан бошқа кишилар кўчма Қизил байроқни қабул қилиб олар эканлар, Тошкент областининг пахтакорлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун барча ишларни қиладилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

## СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИНИНГ ҒОЯТ КАТТА ЮТУҒИ

### КИШИ БОШҚАРГАН ВА ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН 237 КУНЛИК УЧИШ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

*ТАСС АХБОРОТИ*

Космонавтлар Леонид Денисович Кизим, Владимир Алексеевич Соловьев ва Олег Юрьевич Атьков «Салют-7» — «Союз Т-11» орбитал комплекс ичидаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажарганларидан кейин 1984 йил 2 октябрь куни Москва вақти билан соат 13 дан 57 минут ўтганда ерга қайтиб тушдилар. 1982 йил 19 апрелда ер атрофи орбитасига чиқарилган «Салют-7» станцияси автомат режимда учишни давом эттирмоқда.

«Союз Т-11» кемасининг туширилувчи аппарати Жезқозғон шаҳридан 145 километр жануби-шарқда қўнди.

Қўниш жойида ўтказилган медицина текшируви космонавтлар узоқ вақт вазнсизлик шароитини яхши кечирганликларини кўрсатди.

Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьковдан иборат учинчи асосий экспедициянинг экипажи «Салют-7» станциясида 1984 йилнинг 9 февралида ишлай бошлаган эди.

1984 йилнинг 4 апрелида СССР космонавт-учувчилари Юрий Васильевич Малишев, Геннадий Михайлович Стрекалов ва Ҳиндистон Республикасининг граждани Ракеш Шармадан иборат Халқаро экипаж «Союз Т-11» кемасида станцияга элтиб қўйилди. Илк бор орбитал станция ичида бир вақтнинг ўзида олти нафар космонавт ишлади. Совет ва ҳинд мутахассислари биргаликда тайёрлаган тадқиқотлар ҳамда экспериментлар тўла-тўкис бажарилди.

1984 йил 18 июлдан 29 июлгача «Салют-7» станциясида космонавтлар Владимир Александрович Жонибеков, Светлана Евгеньевна Савицкая ва Игорь Петрович Волк асосий экипаж билан бирга ишладилар. Владимир Жонибеков билан Светлана Савицкая очиқ космосга чиқиб, металл намуналарини қирқиш, пайвандлаш, кавшарлаш ҳамда қопламалар югиртиришдан иборат мураккаб ишларни бажардилар. Киши бошқарадиган учишлар тарихида биринчи марта космонавт аёл очиқ космик фазода ишлади.

«Салют-7» станциясининг асосий экипажи 237 кунлик учиш давомида катта ҳажмдаги илмий-техникавий, медицина-биологик тадқиқотлар ва экспериментларни адо этди.

Геофизик тадқиқотлар программасига мувофиқ ер юзи кузатилди, фотосуратга олинди ва спектрометр ўлчовлар олиб борилди, мамлакатимизнинг минерал хом ашё ресурслари тўғрисида, қишлоқ хўжалик майдонлари ва ўрмонзорлар, яйловларнинг мавсумий ўзгарувчанлиги ҳақида, денгизда сузиш ва балиқ овлаш шароитлари тўғрисида қўшимча маълумот олинди. «Интеркосмос» программасига мувофиқ ерни олисдан туриб зондлашга доир комплекс экспериментлар ҳам амалга оширилди. Уларнинг натижаларидан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида узоқ муддатли прогнозларни тузиш чоғида фойдаланилади.

Учиш давомида галактикада ва галактикадан ташқарида ҳосил бўлган турли объектлар, рентген ва ультра бинафша нурланишларнинг манбалари, планеталараро муҳит тадқиқ қилинди. «Салют-7» станциясидаги геофизик ва астрофизик экспериментлар Совет Иттифоқида, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Ҳиндистон ва Францияда тайёрланган аппаратлардан фойдаланиб ўтказилди.

Вазнсизлик шароитида космик материалшунослик программасига кўра, суюқ муҳитларда иссиқлик ва масса ўтказиш жараёнлари тадқиқ этилди, шунингдек космик фазо омиллари таъсири остида бўлган конструкция материаллари ҳолатини аниқлаш методлари пишиқтирилди. Электрофорез қурилмаларда ўта соф биологик актив моддалар ва шифобахш препаратлар олишга доир биотехнология экспериментлари бажарилди.

Жаҳон практикасида илк бор бир учиш мобайнида космонавтлар Леонид Кизим ва Владимир Соловьев очиқ космосга олти марта чиқиб, у ерда жами 22 соат 50 минут бўлдилар ҳамда мураккаб ва кўп босқичли монтаж ишларини бажардилар.

Орбитал станцияда кардиолог врач Олег Атьков ишлади, у космонавтларни юксак профессионал савияда медицина текширишларидан ўтказиб турди. Киши бошқарадиган узоқ муддатли станцияларда экипажларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши энг мақбул режимларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган янги илмий ахборот олинди. Профилактика тадбирлари комплекси бутун учиш мобайнида космонавтларнинг юксак иш қобилиятини ва соғлиғини яхши сақлаб туриш имконини берди.

Киши бошқарадиган узоқ учиш давомида зарур асбоб-ускуналар, аппаратлар ҳамда сарфланадиган материалларни «Прогресс» автомат юк кемалари етказиб бериб турди.

Учишни асосий экспедиция «Салют-7» станциясида ишлаган даврда тадқиқотлар ва экспериментларнинг кенг программасини бажаришда кўпгина илмий коллективлар, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективлари, Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш марказининг, учишни бошқариш марказининг, космодромнинг команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларининг мутахассислари иштирок этдилар.

237 кунлик учиш давомида олинган тадқиқот ва экспериментларнинг натижалари илм-фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг кўламда қўлланилади, шунингдек улардан доимий ишловчи орбитал комплексларни ишлаб чиқиш чоғида фойдаланилади.

Космосда эришилган янги ғоят катта ютуқ — совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 40 йиллигига муносиб совғадир.

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети давлатга пахта сотиш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил 1 октябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районига** (район партия комитетининг биринчи секретари Исломов, район ижроия комитетининг раиси Абдужабборов, район агросаноат бирлашмаси раиси Ботиров, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Султонов, район комсомол комитетининг секретари Султонов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Дўстматов ўртоқлар) берилди. Бу район давлатга пахта сотиш йиллик планини 42,52 процент, шу жумладан машина терими планини 39,82 процент қилиб бажарган ва сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта тайёрлаш йиллик планининг 22,45 проценти миқдорида пахта тайёрланишини, шу жумладан машина терими йиллик планининг 23,41 процент бажарилишини таъминлаган.

Байроқ Коммунистик районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Оққўрғон районидаги **Сегизбоев номли совхозга** (совхоз директори Алимбетов, партия ташкилотининг секретари Абдураҳмонов, касаба союз комитетининг раиси Холбоев, комсомол ташкилоти секретари Ҳолиқулов ўртоқлар) берилди. Бу совхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 47,57 процент, шу жумладан машина терими планини 55,14 процент қилиб бажарган ҳамда сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта сотиш йиллик планининг 25,84 процент, шу жумладан машина терими планининг 30,98 процент бажарилишини таъминлаган.

Байроқ Бекобод районидаги Колпакова номли совхоздан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Бўка районидаги **«Коммунизм» колхозига** (колхоз раиси Соймоқов, партия ташкилоти секретари Сиддиқов, касаба союз комитети раиси Тоштемиров, комсомол ташкилоти секретари Саримсоқов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 51,99 процент, шу жумладан машина терими планини 55,65 процент қилиб бажарган ҳамда сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта топшириш йиллик планининг 41,24 процент, шу жумладан машина терими планининг 44,57 процент бажарилишини таъминлаган.

Байроқ Бўка районидаги Тимирязев номли колхоздан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **Охунбобоев номли колхозда** (колхоз раиси Рўзиматов, партия ташкилотининг секретари Мадиёров, касаба союз комитетининг раиси Мирзаев, комсомол ташкилотининг секретари Қосимхўжаев ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 74,23 процент, шу жумладан машина терими планини 90,75 процент қилиб бажарган ҳамда сентябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 35,71 проценти миқдорида пахта топширилишини, шу жумладан машина терими планининг 44,54 процент бажарилишини таъминлаган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўка районига, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев, Бўка районидаги «Коммунизм» колхозларига, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ Л. Д. КИЗИМНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ муддатли космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Леонид Денисович **Кизим Ленин ордени** ва **иккинчи «Олтин Юлдуз»** медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Л. Д. Кизим жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

**СССР Олий Советн Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Советн Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1984 йил, 2 октябрь.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ В. А. СОЛОВЬЕВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ муддатли космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи ўртоқ Владимир Алексеевич **Соловьевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин ордени** ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

**СССР Олий Советн Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Советн Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1984 йил, 2 октябрь.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ О. Ю. АТЬКОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

«Салют-7»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ муддатли космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи ўртоқ Олег Юрьевич **Атьковга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин ордени** ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

**СССР Олий Советн Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Советн Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1984 йил, 2 октябрь.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ В. А. СОЛОВЬЕВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

«Салют-7»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Владимир Алексеевич **Соловьевга «СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

**СССР Олий Советн Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Советн Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1984 йил, 2 октябрь.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ О. Ю. АТЬКОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

«Салют-7»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Олег Юрьевич **Атьковга** «СССР космонавт-учувчиси» унвони берилсин.

**СССР Олий Советн Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Советн Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1984 йил, 2 октябрь.

## «ОҚ ОЛТИН» • ВАТАНГА

**ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 2 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

**(Планга нисбатан процент ҳисобида)**

Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Коммунистик** | 4,13 | 50,26 | 4,70 | 54,60 |
| **Ғалаба** | 4,50 | 48,70 | 4,59 | 48,66 |
| **Бўка** | 4,10 | 46,67 | 4,04 | 43,86 |
| **Оққўрғон** | 4,28 | 46,66 | 4,45 | 45,69 |
| **Чиноз** | 3,57 | 42,06 | 2,51 | 19,62 |
| **Янгийўл** | 3,15 | 37,57 | 2,75 | 22,59 |
| **Бекобод** | 4,08 | 36,12 | 2,95 | 20,87 |
| **Ўрта Чирчиқ** | 4,07 | 35,81 | 4,34 | 35,17 |
| **Пискент** | 4,53 | 35,02 | 4,30 | 25,33 |
| **Область бўйича:** | 4,10 | 42,06 | 3,92 | 36,08 |

## К. У. ЧЕРНЕНКО А. Н. МУҲАММАД БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 2 октябрь куни Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Президиумининг раиси, Бош министри Али Носир Муҳаммад билан учрашди.

Дўстлик, ўртоқлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида совет-жанубий Яман муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилинди. Бу муносабатлар СССР билан ЯХДР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизига таянмоқда. К. У. Черненко ва А. Н. Муҳаммад КПСС билан ЯСП ўртасидаги дўстона алоқаларни янада чуқурлаштириш кераклигини ёқлаб фикр билдирдилар. Бу алоқалар совет-жанубий Яман муносабатларининг бутун комплексини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

А. Н. Муҳаммад иқтисодий, социал ва маданий ривожланиш, мамлакатнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда Совет Иттифоқи Демократик Яманга бераётган беғараз интернационалистик ёрдам учун астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

Баъзи муҳим халқаро проблемалар, шу жумладан Яқин Шарқдаги аҳвол, шунингдек икки томонлама муносабатларга доир масалалар кўриб чиқилди.

К. У. Черненко ва А. Н. Муҳаммад халқаро вазият ҳамон чигаллашиб бораётганлиги муносабати билан хавотирлик билдирдилар, халқаро вазият АҚШ ҳукмрон доираларининг ҳатти-ҳаракатлари сабабли кескинлашиб кетмоқда. Ана шу доиралар қуролланиш пойгасини тўхтовсиз авж олдираётганликлари, уларнинг буюк давлатчиликдан иборат муддаолари, кучни пеш қилиш позициясида туриб дунёга ўз ҳукмини ўтказиш йўлидаги даъволари халқларнинг туб манфаатларига хилоф бўлиб, ядро уруши чиқиши хавфини кучайтирмоқда. Шундай бир шароитда барча тинчликсевар кучлар олдида империализмнинг авантюрачилик муддаоларига қатъий зарба беришдан, тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашишдан, жаҳон ҳарбий можароси чиқишга йўл қўймасликдан иборат ғоят муҳим аҳамиятга молик вазифа турибди.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлади К. У. Черненко, халқларнинг суверенитети ва хавфсизлигига қилинадиган тажовузларга пухта ғов солишга, халқаро муносабатларда тинч ҳамкорлик руҳини қайта тиклашга қаратилган қатъий йўлини империализмнинг агрессив сиёсатига қарама-қарши қўймоқда. Биз учун ер юзида тинчликни сақлаб қолишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ, бинобарин Совет Иттифоқи бу йўлда куч-ғайратларини сира ҳам аямайди. Тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун кураш КПССнинг СССРда барпо этилган ривожланган социализм жамиятини янада такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти билан узвий равишда боғлангандир.

А. Н. Муҳаммад айтдики, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган Демократик Яман бошқа тараққийпарвар кучлар билан биргаликда халқлар тинчлиги, мустақиллиги, социал тараққиёти учун кураш олиб бормоқда, Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. А. Н. Муҳаммад ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш соҳасида Совет Иттифоқи эришаётган муваффақиятлар муҳим халқаро аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Совет томони Демократик Яманнинг империализмга қарши ташқи сиёсатига, жанубий Яман халқи Яман Социалистик партияси раҳбарлигида янги жамият барпо этиш соҳасида эришган ютуқларга юксак баҳо берди.

Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олиш чоғида АҚШ билан Исроил ўз ўрталарида мавжуд бўлган стратегик иттифоқ доирасида ҳаракат қилиб, араб мамлакатларига нисбатан ўзларининг агрессив йўлини тобора кучайтираётганликлари қайд этиб ўтилди. Бу йўлдан кузатилган мақсад араблар миллий озодлик ҳаракати, аввало илғор режимлардан ўч олиб жазолашдан — империалистик босқинчилик йўлини очишдан иборатдир. Сепарат тил бириктиришлар сиёсати, арабларнинг сафларини парчалаш сиёсати айни мана шу мақсадга эришишга қаратилган бўлиб, бу сиёсат регионда АҚШ қуролли кучларининг кўпайтирилаётганлиги билан мустаҳкамланмоқда.

К. У. Черненко Яқин Шарқ можаросини ҳар жиҳатдан, адолатли ва мустаҳкам тарзда бартараф этишга фақат барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан фаластинлик араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили Фаластин озодлик ташкилотининг иштирокида коллектив куч-ғайрат сарфлаш йўли билангина эришиш мумкинлигига Совет Иттифоқининг ишончи комил эканлигини таъкидлади. Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ можаросини бартараф этишга доир маълум таклифлари айни мана шунга асосланади.

А. Н. Муҳаммад араблар дунёсида кенг кўламда маъқулланган бу таклифларни ЯХДР тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини айтди.

К. У. Черненко билан А. Н. Муҳаммад араб халқларининг ҳаётий манфаатлари араб мамлакатларининг, шу жумладан Фаластин қаршилик ҳаракатининг антиимпериалистик, миллий ватанпарварлик кучлари ниҳоятда мустаҳкам жипслашишларини талаб этмоқда, деган муштарак фикрни билдирдилар. Бу—арабларнинг империализм ва сионизмга қарши Яқин Шарқда адолатли, мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш учун олиб бораётган курашида муваффақиятга эришишнинг зарур шартидир.

Учрашув қатнашчилари АҚШ билан унинг НАТОдаги шериклари Форс кўрфази ва Қизил денгиз районларида жойлашган давлатларнинг ишларига аралашувни кенгайтириш мақсадида бу ерда ўзларининг қуролли кучларини тобора кўпайтиришга ҳаракат қилаётганликларини қатъий қоралайдилар. Улар Совет Иттифоқи билан Демократик Яман Ҳинд океани тинчлик зонасига айлантирилиши учун муттасил курашиб келаётганликларини ҳам таъкидладилар.

Суҳбатда совет томонидан—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг ўринбосари К. Н. Брутенц; Жанубий Яман томонидан — ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Х. Яҳё, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР Бош министрининг ўринбосари А. А. Баазиб, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР ташқи ишлар министри А. А. Ад-Дали ва ЯХДРнинг СССРдаги элчиси А. Бин-Ҳусайнун иштирок этдилар.

(ТАСС).

